5. M.B.Pulatova, M.Mehmonaliyev (2022). Islom moliyasi va uning rivojlanish evolyutsiyasi .”Science and Education” Scientific Journal Volume 3, Issue 2, 1468-1475.
6. Y.Arifjanova (2021). Sukuk-Islom moliyaviy instrumenti xalqaro moliya bozorining ko‘pgina ishtirokchilarida qiziqish uyg‘otmoqda. “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali ISSN:2181-1016.
7. S.Abrorov, J.Imamnazarov (2021). Islom moliyasi: O’zbekiston uchun yangi imkoniyatlar. “Iqrisodiyot va ta’lim”4-son 146-159.

1 Muhamed Zulkhibri.(2015). A synthesis of theoretical and empirical research on sukuk. Borsa Istanbul Review Volume 15, Issue 4, 237-248.

2 M.B.Pulatova, M.Mehmonaliyev (2022). Islom moliyasi va uning rivojlanish evolyutsiyasi .”Science and Education” Scientific Journal Volume 3, Issue 2, 1468-1475

3 Y.Arifjanova (2021). Sukuk-Islom moliyaviy instrumenti xalqaro moliya bozorining ko‘pgina ishtirokchilarida qiziqish uyg‘otmoqda. “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali ISSN:2181-1016

4 S.Abrorov, J.Imamnazarov (2021). Islom moliyasi: O’zbekiston uchun yangi imkoniyatlar. “Iqrisodiyot va ta’lim”4-son 146-159.

# TURIZM SOHASIGA JALB ETILAYOTGAN INVESTITSIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING AHAMIYATI

**Amirov Temur Mashrab o‘g‘li**
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti
2- bosqich magistranti

**Annotatsiya:** ushbu maqolada, turizm loyihalarini rivojlantirish bosqichlari, turizmda investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari, investitsiyaga bo’lgan ehtiyojning sabablari, xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish orqali mamlakat turizmi va iqtisodiyotini yanada rivojlantirish haqida so’z boradi.

**Kalit so’zlar:** Turizm, milliy iqtisodiyot, loyiha, nomoddiy aktivlar (ixtirolar, nou-xau, rivojlantirish, talab, taklif, mehmonxonalar, restoranlar, sayyohlik kompaniyalar.

Respublikamizda hozirgi kunda milliy iqtisodiyotning muhim strategik tarmoqlaridan biri bo’lgan turizmni rivojlantirish bo’yicha bir qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Turizm sohasi – uzoq istiqbolda yangi ish o’rinlarini tashkil etish, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish va boshqa muhim ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishga, hududlarni jadal rivojlantirish, aholi daromadlarini va turmush sifatini oshirishga yordam beradi.

Turizm loyihalarini rivojlantirish bosqichlarning barchasi jadal sur’atlarda rivojlanib bormoqda. Turizmda investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari turizm investitsiya loyihalarida bajarila olishning tekshirilishi uchun, oldin investitsiya loyihasining ro’yobga chiqarilishi tahlil qilinadi. Undan keyin, rivojlantirish ishlarining yuzaga chiqargani natijalar, ma’lum kriteriyalar jihatidan mezonlashtirish tahlili nazarda tutiladi. Investitsiya loyihalarining moliyalashtirilishi tugatilgan loyihalarning tadbiq qilish sohasiga qo’yilish yoki qo’yilmasligi qaror qilinadi, investitsiya alternativlaridan qaysisining yoki qaysilarining tanlanishida makro va mikro iqtisodiy yo’nalishidan manfaatli bo’lishi aniqlangan bo’ladi.

Turizmga nisbatan investitsiyalar deganda turizm sohasiga uzoq muddatli (bir yildan ortiq muddatga) kapital qo‘yilmalar (kapital qo‘yilmalar) ko‘rinishidagi moliyaviy resurslardan ichki va xorijda daromad olish maqsadida foydalanish tushuniladi. Turizmga investitsiyalar - bu kapital yordamida yangi turistik ob’ektlarni yaratish, turistik xizmatlarning ayrim turlarini ishlab chiqarish va ko’rsatishga qodir bo’lgan mavjudlarini modernizatsiya qilish yoki rekonstruksiya qilish, shuningdek nomoddiy aktivlar (ixtirolar, nou-xau va boshqalar) jarayonidir.). Shundan kelib chiqib, turistik xizmatlar sifatini oshirgan holda yanada kengroq hajmda turistik xizmatlar ishlab chiqarish va ko‘rsatishga qodir yangi turistik obyektlarni yaratish g‘oyalarini amalga oshirish jarayoni davom etmoqda.



Agar bu shartlar bajarilsa, turizmga investitsiyalar ham turizm industriyasi ishtirokchilari (mehmonxonalar, restoranlar, sayyohlik kompaniyalari va boshqalar) uchun ham, turistlar uchun ham foydali bo‘ladi. Qayd etish joizki, hozirgi vaqtda turizm sohasida eng yuqori investitsion faollik turizm ustuvor va ijtimoiy ahamiyatga ega tadbirkorlik faoliyati turi deb e’lon qilingan hududlarda qayd etilgandir.

**-mavjud moddiy-texnika bazasini yangilash (mehmonxonalar va restoranlarda xizmat ko'rsatish sinfini yangilash uchun zamonaviy bronlash tizimini joriy etish yoki xonalar jihozlarini (konditsionerlar, sanitariya-tesisat va boshqalar) takomillashtirish);**

**-turizmda sotish va xizmatlar hajmini oshirish;**

**-faoliyatning yangi turlarini rivojlantirish (yangi turistik mahsulot yoki yangi xizmat turi bilan turizm sanoati bozoriga kirish).**

Investitsiyaga bo’lgan ehtiyojning sabablari turlicha bo’lishi mumkin. Ular asosan uch turga bo’linadi:

Xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish orqali mamlakat turizmi va iqtisodiyotini ko’tarib, turizm sohasini integratsiyalash mumkin. Xulosa qilib shuni aytish kerakki, xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi yangi korxonalar sonining kun sayin ortib borishi va yangilari barpo etilayotgani davlatimizning bu sohaga bo’lgan yuksak e’tibori va ularga yaratib berayotgan qulayliklari yaqqol natijasidir. Shu jumladan ham mamlakatimizga xorijiy sarmoyalarni jalb etayotgan korxonalarni iqtisodiy rag’batlantirish va ular uchun zarur sharoitlarni yaratib berish o’ta muhim masalalardan biri hisoblanadi.

**Adabiyotlar:**

1. Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 16-avgustdagi “ 2018- 2019 - yilgi turizimni rivojlantirish chora- tadbirlari to’g’risidagi “ islohotlari.

2. Balabanov I.T., Balabanov A.I. Turizm iqtisodiyoti: - M.: Moliya va statistika, 2007.

3. Blank I.A. Investitsiyalarni boshqarish asoslari [2 jildda]. T.1 / I.A. Shakl. Kiev: Nika-Tsentr: Elga-N, 2004. 536 p.

4. www.stat.uz.

# INVESTITSIYALARNI LOYIHAVIY MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMINING AFZALLIKLARI VA SALBIY JIHATLARI

**Akramova Nilufar To’lqinovna,**
Timurbulatov Chingiz
TDIU magistrantlari
nilufar_a@list.ru, t_chingiz@bk.ru

**ANNOTATSIYA:** Maqolada loyihaviy moliyalashtirishning bank kreditlaridan farqli jihatlari, afzalliklari va ijobiy xususiyatlari bilan bir qatorda qarz oluvchi uchun loyihaviy moliyalashtirishning salbiy tomonlari yoritilgan.

**KALIT SO’ZLAR:** investitsiya loyihalari, loyihaviy moliyalashtirish, investorlar kapitali, bank krediti, loyiha aktivlari, xomiy (investor), biznes-reja.

Bugungi kunga kelib, so’nggi yillarda kuzatilgan global iqtisodiy muammolar jumladan COVID-19 pandemiyasi va ayrim davlatlar o’rtasidagi ziddiyatli vaziyatlar butun dunyodagi strategik investorlar faoliyatiga o’z ta’sirni o’tkazmasdan qolmadi. Ular yirik investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda yanada kutilmagan risklarga duch kelishdi. Aynan bunday vaziyatda investitsiya loyihalarini loyihaviy moliyalashtirish mexanizmi juda kerakli instrument vazifasini o’tashi mumkinligi sir emas. Loyihaviy moliyalashtirish - bu bank tomonidan kreditni berish, baholash va monitoringini olib borish jarayoni bo’lib, bunda kredit ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish ob’ektlarining normal ishlashi uchun qurilish, qayta ta’mirlash yoki texnik qayta qurollantirish, shu jumladan, asbob-uskunani sotib olish yoki asosiy fondlarni tashkil etish hamda ishchi kapitalni sotib olishga yo’naltiriladi. Loyihani amalga oshirish orqali ko’rilgan qo’shimcha daromad kreditni qaytarishning asosiy manbai bo’lib hisoblanadi. Agarda loyihani amaga oshirish orqali qo’shimcha daromad olinmasa yoki loyiha bo’yicha ishlab chiqarishni modernizatsiyalash orqali iqtisodga erishilmasa, bunday moliyalashtirishni loyihaviy moliyalashtirish deb bo’lmaydi, u biznes-reja asosida amalga oshiriladigan moliyalashtirish hisoblanadi.

Loyihaviy moliyalashtirish oddiy bank kreditlaridan quyida keltirilgan ahamiyatli jihtlari bilan farq qiladi:

- investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda banklardan tashqari boshqa moliyaviy va tijorat tuzilmalarining ishtirok etishi mumkin;
- loyihani moliyalashtirishda bank nafaqat kreditor, balki tashabbuskor (tadbirkor) sifatida ishtirok etishi mumkin;
- bank kreditlashida loyiha risklarining hammasi qarz oluvchi zimmasiga tushadi, loyihaviy moliyalashtirishda esa ular ishtirokchilar o’rtasida taqsimlanadi;
- loyihaviy moliyalashtirishda ishtirokchilarning ko’pligi sababli loyihani amalga oshirish va moliyalashtirishni boshqarish murakkablashadi;
- loyihaviy moliyalashtirish ishtirokchilari, odatda, loyiha uzoq vaqt amalga oshirilishi sababli, nazorat qiluvchi kompaniya tashkil qilishadi;
- loyihaga kiritiladigan qarz mablag’lari qaytarilishi ta’minoti bo’lib, loyihani amalga oshirishdan keladigan bo’lg’usi daromadlar hisoblanadi.

Yuqorida qayd etilganlardan tashqari, biz loyihaviy moliyalashtirishning bir qancha afzalliklariga to’xtalib o’tishimiz mumkin. Loyihaviy moliyalashtirishning afzalliklari:

- potensial kredit ostida salmoqli hajmda kredit resurslarini jalb qilish;
- kelgusida amalga oshiriladigan loyiha ostida huquqiy kafolatlar olish;
- xomiy (ta’sischi, tashabbuskor)ning kreditga layoqatliligi etarli bo’lmagan sharoitda maqbul kredit shartlari va foiz stavkalari bilan ta’minlash;
- loyihani amalga oshirish bo’yicha hamkorlikdagi faoliyat doirasida loyiha risklarini uning ishtirokchilari o’rtasida taqsimlash yo’li bilan investitsiyalar uchun qo’sjimcha kafolatlar olish;
- loyiha o’zini to’laligicha qoplagunga qadar xomiyning investitsion xarajatlarini o’z moliyaviy hisobotlarida aks ettirish zaruriyati yo’qligi;
- moliyaviy bozorlar vositasida loyihaga salmoqli hajmdagi mablag’lar jalb qilish imkoniyatining mavjudligi;
- loyihalarni amalga oshirilishi natijalarini bashorat qilish kabilarni loyihaviy moliyalashtirishning afzalliklari sifatida qayd etish mumkin.

Qarz oluvchi uchun esa loyihaviy moliyalashtirishning ayrim salbiy tomonlari mavjud bo’lib ular quyidagi holatlarda namoyon bo’ladi:

- investor manfaati salmog’ining yuqoriligi va loyihani baholash hamda moliyalashtirishni tashkil etish uchun komission haqlar miqdorining kattaligida;
- loyiha va mamlakat risklari kompensatsiyasi uchun investor manfaatining qo’shimcha stavkalarning mavjudligida;
- loyiha oldi ishlari uchun xarajatlarning yuqoriligida (biznesni rejalashtirish va iqtisodiy, moliyviy, texnik, ekologik, tashkiliy-huquqiy, tijorat va marketing ekspertizalari);
- loyiha arizasining uzoq vaqt davomida ko’rib chiqilishida;
- investitsiya jarayonining barcha bosqichlarida investorlar va kreditorlar tomonidan qattiq nazoratning mavjudligida;
- loyiha ta’sischisining o’z mustaqlligini yo’qotish riskining yuqoriligi kabi salbiy oqibatlar mavjud.

Xorijiy mamlakatlarda loyihaviy moliyalashtirishning ilg’or tajribalari umumlashtirish asosida mamlakatimizda ularning namoyon bo’lish tendentsiyalarini kuzatish mumkin: loyihaviy moliyalashtirishni davlat tomonidan qo’llab-quvvatlash yuzasidan keng tadbirlar tizimining amal qilishi; davlatning kuchli moliyaviy va soliq siyosati; qulay va manfaatli investitsion muhitning yaratilishi va boshqalar.

Yuqorida qayd etilganlardan xulosa qilishimiz mumkinki loyihaviy moliyalashtirish - bu investitsiya loyihalarini kreditlashtirishning bir turi bo’lib, kreditor bu loyihani amalga oshirish bilan bog’liq xatarlarni qisman yoki to’liq o’z zimmasiga oladigan moliyaviy operatsiya hisoblanadi. Banklarning oddiy kredit operatsiyalarida birinchi e’tibor qarzdorning kreditga qobiliyatliligini o’rganishga qaratiladi, ya’ni dastlab uning moliyaviy va iqtisodiy holatini, shuningdek, garov sifatida foydalanadigan mol-mulklarni baholashga asosiy ahamiyat beriladi. Loyihaviy moliyalashtirishda esa birinchi navbatda loyihaviy tahlilga asosiy  e’tibor qaratiladi. Loyihaviy moliyalashtirishda loyiha kompaniyalarining mavjudligi, uning asosiy belgilaridan biri hisoblanadi. Loyiha kompaniyalari loyihani amalga oshirish sharoitida loyiha homiylari tomonidan tashkil etiladi. Agar oddiy kredit operatsiyalarida bank qarzdorning oldingi davrdagi moliyaviy faoliyatining natijalari bilan qiziqsa, investitsiya loyihasini hayotga tadbiq etishda esa bank asosiy e’tiborni loyihani samaradorligini baholashga va loyiha kompaniyasining faoliyatini ta’minlovchi kafolat masalalariga e’tibor qaratadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. O’zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy bankining “Loyihaviy moliyalashtirishni tashkil etish tartibi to’g’risida”gi Nizomi;
2. Tuxliev Bozor Karimovich. Investisiyalarni moliyalashtirish manbalari va ularni takomillashtirish masalalari. https://www.tsue.uz;
3. Махмудов С.Б. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №5, октябрь, 2020 йил. 2 бет;
4. Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №12(79) 2020. www.iupr.ru Российская Федерация, г.Саратов

# ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИНГ ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАРИ

**Бабаев Таджибай Бахтиёрович**
Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари

**АННОТАЦИЯ:** Жиноят таркибининг зарурий элементларидан бири бўлган жиноят субъектининг, жиноий жавобгарликка тортиш ёши белгиси ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда ўрганилиб, жиноят сбъекти институтини такомиллаштириш йўналишлари белгиланган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Жиноят субъекти, жиноий жавобгарликка тортиш ёши, энг кичик ёш чегараси, ақли расо, жисмоний шахс.

Маълумки, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ муаммолар доимо жамоатчилик диққат марказида бўлган ва муҳокама қилинган. Чунки вояга етмаганлар ҳатти-ҳаракатларининг ғайриижтимоий хусусияти нафақат унинг ўша пайтдаги оқибати, балки келгусида уларнинг онги ва дунёқарашида ўзгариши, уларда салбий одат ва кўникмалар юзага келиши билан хавфлидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш ҳамда замонавий шароитлар ва хориж мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда жиноят субъекти ва унинг ҳуқуқий белгиларини модификациялаш масаласини кўриб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, назарияда жиноят субъектига оид қарашлар ва амалиётда уни қўллаш билан боғлиқ масалалар ўзгарувчан хусусиятга эгалиги боис, уни ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласи долбзарлигини йўқотмайди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар қонунда белгиланган ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Демак, бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятнинг субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши керак бўлади. Юридик жиҳатдан жиноят субъекти деганда содир этилган жиноят учун жавобгар бўладиган шахснинг ёши, руҳий ҳамда ҳуқуқий ҳолатини ифодаловчи белгилар мажмуи тушунилади. Айни пайтда, «жиноят субъекти» ҳуқуқий тушунча бўлиб, жиноят содир этган шахснинг юридик хусусиятини белгилайди ва у ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун зарур бўлган белгиларни ташкил этиши (жисмоний шахс, унинг ёши, муомала лаёқатига эгалиги) билан чекланади. Умуман олганда, жиноят субъекти, жиноят қонуни билан қўриқланувчи ижтимоий муносабатларга таъсир этадиган ва бунинг учун жавобгар бўла оладиган шахсдир. Унинг мазмунини ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлган ҳамда муайян ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадиган, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси бўлган шахс ташкил қилади. Жиноят субъектининг бошқа бир зарурий элементи шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиш ёшини аниқлаш ва белгилаш масаласи амалиётда муаммолар мавжудлиги ва назарияда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлиги боис, кўриб чиқилаётган муаммо нуқтаи назаридан яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Жиноят субъектини жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёшини назарда тутувчи жиноятлар рўйхати Жиноят кодексининг 17-моддасида белгиланган. Мазкур нормада назарда тутилмаган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёши 16 ёш этиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига асосан 13 (ЖК 17-м. 2-қ.), 14 (ЖК 17-м. 3-қ.) ва 18 (ЖК 17-м. 4-қ.) ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Айни вақтда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ёши ҳам қонунда тан олинган шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланиш қобилиятини ифодаловчи ўзига хос ижтимоий мақом ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, юридик адабиётларда жамиятда шаклланаётган ижтимоий ва маданий омилларни инобатга олган ҳолда жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини белгилаш ва кўриб чиқиш масаласида ҳар хил фикрлар билдирилган [1 С.22]. Масалан, Н.Г.Андрюхиннинг таъкидлашича, жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини камайтириш, ўз навбатида, жиноят субъектининг ёш контингенти ва уларга нисбатан жавобгарлик ҳамда жазо белгилашнинг ўзига хос чегарасини

ажратиш орқали жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўналиши ҳисобланиб, жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун кенг имконият ва шароит яратади [2]. В.В. Агильдин эса: «Қонунда белгиланган чегарадан кичик ёшдагиларнинг жиноий фаол эмаслиги ҳамда уларнинг ривожланиш даражаси жавобгарликка тортиладиган шахсларникидек шаклланмаганлиги боис, жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёш чегарасини камайтириш мақсадга мувофиқ эмас», деб ҳисоблайди[3 С. 51.][1]. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг қонунларида жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини белгилашда турлича ёндашувлар қўлланилади.

Масалан, Франция жиноят қонунида субъектнинг энг кичик ёш чегарасини аниқ белгилашни назарда тутмайдиган суд ихтиёри қоидаси амал қилади. Чунки ҳар бир аниқ шахснинг хилма-хил ҳаётий вазиятлари ва индивидуал хусусиятларининг барчасини фақат суд текширувигина ҳисобга олиши ҳамда айбли жавобгарликка қодирлигини аниқлаши мумкин, деб ҳисобланади. Ҳатто ёш чегаралари қонунда кўрсатилган мамлакатларда ҳам жиноят субъектининг энг кичик ёшини белгилашда (7–10 ёшдан 16–18 ёшгача бўлган) жиддий фарқлар кузатилади. Жиноят субъектининг энг кичик ёши, масалан, Канадада – 12, Туркияда – 11, Янги Зеландия ва Англияда –10, Шотландияда – 8, Швейцарияда – 7, Ирландияда – 5 ёш этиб белгиланган. АҚШда вояга етмаганлар ишлари бўйича суд юрисдикциясига 6–12 ёшдаги, максимал даражаси эса 15–17 ёшдаги (қайси штатда эканлигига қараб) шахслар киради. Шу билан бирга, бу масалада БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амал ошириш ҳақидаги минимал стандарт қоидаларида (Пекин қоидаларининг 4-банди) шахснинг айбли жавобгарликка қодирлик ёши учун универсал мезон сифатида унинг ҳиссий ва ақлий етуклиги белгиланган. Хорижий давлатлар жиноят қонунларининг ушбу муаммога ёндашувини таҳлил қилиш натижасида таъкидлашимиз жоизки, жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ривожланиши таъсирида сўнгги ўн йил ичида Ғарб мамлакатлари қонунчилиги ва амалиётида ҳимоялаш, ҳомийлик қилишдан воз кечиш кузатилмоқда. Жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёш чегарасини белгилаш жараёни жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларига бўйсундирилган. Шу боис оғир ва ўта оғир жиноятлар, такрорий жиноятлар содир этганлик, уюшган шаклдаги жиноий фаолият учун жазо белгилаш кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Аммо жамиятнинг барқарорлигини ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш борасидаги манфаатларини кўзлаб, шахснинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига қатъий амал қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонунчилигини ривожлантириш концепциясини қабул қилиш жараёнида унда энг муҳим масалалардан бири сифатида юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш чораларининг кўриб чиқилиши ҳамда жиноий жавобгарлик белгилашда шахснинг ёш ривожланишидаги хусусиятларини инобатга олувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ва қонунда белгиланган ёш чегараларини илмий асослантирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Андрюхин Н.Г. Минимальный возрастной признак субъекта преступления нуждается в уточнении // Вопросы ювенвльной юстиции. – 2001. – № 2. – С. 20–22; Агильдин В.В. Возраст как признак субъекта преступления // Сибирский юридический вестник. – 2015. – № 3 (70). – С. 49–54; Щербаков А.В. Проблемы определения субъекта преступления в современном уголовном праве // Проблемы в российском законодательстве. – 2013. – № 2. – С. 100–106.

2. Андрюхин Н.Г. Минимальный возрастной признак субъекта преступления нуждается в уточнении // Вопросы ювенвльной юстиции. – 2001. – № 2. – С. 22.

3. Агильдин В.В. Возраст как признак субъекта преступления // Сибирский юридический вестник. – 2015, – № 3 (70). – С. 51.

1 Агильдин В.В. Возраст как признак субъекта преступления // Сибирский юридический вестник. – 2015, – № 3 (70). – С. 51.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТУҲМАТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Бабаев Таджибай Бахтиёрович**
Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари

**АННОТАЦИЯ:** Марказий Осиё давлатлари жиноят қонунчилигида туҳмат учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг қиёсий таҳлил қилиниб, тухмат учун жавобгарлик белгиланган нормани декриминаллаштириш, туҳмат учун жавобгарлик белгиланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш юзасидан муаллифлик таклифи ишлаб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** туҳмат, шаън, қадр-қиммат, конституциявий ҳуқуқ, декриминализация, ижтимоий хавфлилик, маъмурий юрисдикция.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг шаъни ва қадр қимматини муҳофаза этилишини таъминловчи қуйидаги нормалар мавжуд: “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-м.), фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар (48-м.) [1].

Туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” номли VI бобининг 139-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланган. Модда уч қисмдан иборат бўлиб, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали туҳмат қилиш, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб туҳмат қилиш, оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда туҳмат қилиш, хавфли рецидивист томонидан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда тухмат қилиш каби турлари мавжуд.

Жиноят кодексида жиноий жазоларни қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига мослаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, хусусан туҳмат қилиш яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган 139-моддаси 3-қисми санкциясидаги тайиланиши мумкин бўлган беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-658-қонуни [2] га асосан уч йилгача бўлган озодликни чеклаш жазосига ўзгартирилди. Мазкур қонун, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслигининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва ундаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини тухмат учун жавобгарлик белгиланган нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали ҳам амалга оширилади.

**Қозоғистон Республикаси** жиноят қонунчилигида 2020 йил 26 июндаги «Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштириш юзасидан айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан тухмат учун жиноий жавобгарлик белгиланган 130-модда декриминализация қилинди [3]. Бугунги кунда Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 73-3-моддаси билан туҳмат қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, ўттиз суткагача маъмурий қамоқ жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган [4].

**Қирғиз Республикасида** Марказий Осиё давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, яъни 2011 йил июнь ойида туҳмат учун жиноий жавобгарлик декриминаллаштирилган. Шунингдек Қирғиз Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда ҳам туҳмат учун жавобгарлик белгиланмаган.

**Тожикистон Республикаси** Жиноят кодексида тухмат қилиш учун жиноий жавобгарлик махсус белгиланганмаган, аниқроғи 2012 йилда туҳмат жинояти декриминализация қилинган бироқ, Тожикистон Республикаси Президентини ҳақорат қилиш ёки туҳмат қилиш (ЖК 137-м.), тинчлик асосчиси ва миллат етакчисини оммавий тарзда ҳақорат қилиш ва унга нисбатан туҳмат қилганлик учун (ЖК 137.1-м) жиноий жавобгарлик, белгиланиб, мазкур қилмишлар учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

**Туркманистон Республикаси** Жиноят кодексининг 132-моддасида тухмат учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра ўзганинг шаъни, қадр-қиммати, обрўсига путур етказувчи ёлғон маълумотлар тарқатиш тухмат деб топилади. Унинг оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, оғир оқибатларга сабаб бўлган, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишда айблаб содир этилиш каби турлари мавжуд. Жиноят кодекси билан туҳмат қилганлик учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Марказиё Осиё давлатлари жиноят қонунчилигининг таҳлили бугунги кунда Қозоғистон, Қирғиз, Тожикистон Республикаларида туҳмат  жиноий қилмиш сифатида баҳоланмайди, Туркманистон Республикасида туҳмат жиноят сифатида баҳоланади ва уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳукумат ва жамият ўртасида тенг мулоқотни ўрнатиш, сўз эркинлигини, соғлом фуқаролик иштироки ва ҳукумат устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, айниқса коррупция, яширин жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашни кучайтириш, аҳолининг фаол вакиллари, оммавий ахборот воситалари, журналистиканинг фаоллигини ошириш мақсадида Жиноят кодексидан туҳмат учун жавобгарлик белгиланган нормани декриминаллаштириш, шу билан бирга, туҳмат учун жавобгарлик белгиланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси санкциясини оғирлаштириш, жумладан санкцияга маъмурий қамоқ жазосини киритиш, жарима жазосини миқдорини ошириш билан боғлиқ ўзгартишларни киритиш лозимлиги таклиф этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: https://lex.uz/docs/20596

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни: https://lex.uz/docs/5186087?ONDATE=26.12.2020%2000#5189433

3. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=402;-32#pos=402;-132

4. Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31577399&pos=1769;-32#pos=1769;-32

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ РОЛИ

**Давронов Фаррух Нарзулло ўғли,**
**Фозилов Озодбек Нодирович**
ТДИУ магистрантлари
farrukh_n@bk.ru,.
ozodb.nf@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Глобаллашув ҳамда иқтисодиётнинг тобора интеграциялашиб бориши шароитида инновацион фаолият ривожланишини таъминлаш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мезонидир бўлиб ҳисобланади. Мақолада рақамли иқтисодиётни риожлантиришда инновацион фаолиятнинг ўзига хос ва аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Инновацион фаолият, рақамли иқтисодиёт жаҳон хўжалиги, молиявий ресурслар, ялпи ички маҳсулот, интеллектуал меҳнат.

Бугунги кундаги глобаллашув шароитида жаҳон хўжалиги тараққиётининг асосий қонунияти инновацион янгиланиш асосида номоддий хўжалик фаолиятларининг жадал ривожланиши билан тавсифланадиган -билимларга асосланган янги рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳисобланади.

Жаҳонда тез-тез рўй бериб турадиган иқтисодий инқирозлар туфайли вужудга келадиган қийинчиликларга қарамасдан, ижтимоий-иқтисодиёт бойликни яратишнинг таълим, тадқиқот ва инновацияларга асосланган янги тизими шаклланиб бормоқда. Дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръатининг 70-85 % фоизи илғор технология, ускуналар, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ўз ифодасини топган янги билимлар улушига тўғри келади.

Ҳозриги шароитда айнан интеллектуал капитал қўйилманинг асосий қисмини яратади, унинг муҳим таркибий қисмлари илмий-тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига қўйилмалар, патент ва лицензиялар, савдо маркалари, ходимларнинг илмий билими ва малакаси, корхона ички маданияти ва шу кабилар, яъни бозор томонидан тан олинган ва қадрланган, ашёвий-буюм шаклига эга бўлмаган объектлар ҳисобланади. Ресурслар мулк бўлиб, чекланган экан, ундан самарали фойдаланиш объектив заруриятга айланади. Зарурият мавжуд экан, инсон доимо уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади, тинмай изланади, доимо ўз манфаатини ҳимоя қилади. [1]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий тадқиқот ва инновацияларги асосланган иқтисодиётда, пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнатнинг улуши сезиларли қисқаради. Унинг пировард қийматида илмий ишланмалар, маҳсулот ёки хизмат намунасини яратиш, синаб кўриш ва бозорга тақдим қилиш, ҳамда навбатдаги босқичда уни истеъмолчига етказиш ва ҳаётийлик цикли давомида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ меҳнат катта улушга эга бўлиб боради. Бироқ бу босқичларда юқори даражадаги билим ва фойдаланиш интенсивлиги ҳам юқори бўлишини тақозо қилувчи интеллектуал меҳнатдан фойдаланилади.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Глобаллашув ҳамда иқтисодиётнинг тобора интеграциялашиб бориши шароитида инновацион фаолият ривожланишини таъминлаш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мезонидир бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб берилди. Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим. Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ

ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда фан-техника муҳитини қўллаб-қувватлаш тизимида тубдан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29 ноябрдаги "Инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши билан юз берди. Мазкур Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалда рўёбга чиқариш бўйича муҳим қадам сифатида қараш мумкин. Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди. Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида янги тизим шакллантирилди. У барқарор иқтисодий тараққиётнинг анча зарур масалаларини хал қилишга қаратилган куч ва воситалар концентрациясини таъминлашга йўналтирилди. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш учун фаол инновацион, саноат, таркибий, илмий-техник сиёсатни юритиш зарур. Бу эса ўз ўрнида давлат иқтисодий кувватининг қайта тикланишига асос бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т.:«IQTISOD-MOLIYA», 2005, 357-б.
2. Т.С.Маликов. Молия. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-молия" 2018 й.б. 169.
3. Гофуров Д.Б. "Давлат харидлари тизимига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш йўналишлари" // "Молия" журнал. №6. – Тошкент, 2019 й.
4. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ

**Нуриллаев Иззатилла Рахматилла ўғли,**
**Қучқоров Бекзод Бахтиёр ўғли,**
ТДИУ магистрантлари
bekzod_qb@list.ru,
izzat.r@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Давлат ва корпоратив харидлар соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади давлат харидларининг барча субъектлари учун қулай бўлган муҳитни шакллантириш ҳисобланади. Мазкур мақолада мамлакатимизда давлат харидларини амалга оширишнинг жорий ҳолати ҳамда унинг ўзига хос ва аҳамиятли жиҳатлари ёритиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Давлат харидлари, корпоратив харидлар, бюджет маблағлари, давлат ғазначилиги тизими, миллий иқтисодиёт.

Мамлакатимизда давлат харидлари амалиётини такомиллаштиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Давлат ва корпоратив харидлар соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади давлат харидларининг барча субъектлари учун қулай бўлган муҳитни шакллантириш, шунингдек давлат харидларини амалга ошираётган вақтда коррупция ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашиш ҳисобланади.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичларида молиявий оқимларни бошқаришнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Давлат хариди ва бошқарув даражалари бюджетлар ижроси таъминланиши, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш, маблағларни давлат секторининг ижтимоий мақсадларини амалга ошириш учун йўналтиришда янги иқтисодий тузилмаларни ташкил қилиш, республика ва маҳаллий бюджетларнинг барча даражаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш учун шарт-шароитлар яратилган. Иқтисодий муносабатлар тизимида ушбу функциялар махсус молиявий орган – давлат ғазначилиги томонидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий давлатларда, яъни АҚШ, Германия, Австралия, Жанубий Корея каби кўплаб мамлакатларда ҳам бюджет ижроси давлат ғазначилиги тизими орқали амалга оширилади.

Шундай экан, давлат ғазначилиги жамиятни жамғаришга бўлган эҳтиёжини қондириш ва бюджет ресурсларини давлат муассасалари ва корхоналар ўртасида тақсимлашга йўналтирилган ўзаро боғлиқ элементларнинг ягона тизимини акс эттирувчи муҳим тақсимот органидир.

Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларни ғазначилик органлари орқали давлат томонидан молиялаштириш тизимига бўлган талабининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий хизматлари ва ғазначилик тизимида муҳим вазифаларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Яъни ягона тармоқ, идоравий бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларни молиявий бошқариш жараёнларининг принципиал жиҳатдан мураккаблашуви, ғазначилик орқали молиявий тизимга йўналтирилган харажатлар самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий мезонларига амал қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Маҳсулотларни етказиб беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва танқидий таҳлил орқали баҳо бериш, миллий иқтисодиётда товар (иш, хизмат)ларни етказиб берувчиларга қўйилган услубий талабларни умумлаштириш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар олиб бориш, айни кундаги тезкор замон талаби ҳисобланади. Давлат харидлари соҳасини такомиллаштириш ва замон талабларига мослаштириш борасида мамлакамизда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бюджет сиёсатини амалга ошириш ва ижро этиш жараёнида даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш орқали, давлат дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, давлат маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш учун Молия вазирлиги Ғазначилиги бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ғазначилик органларининг ягона марказлаштирилган тизими ташкил этилди.

Давлат буюртмачиси ва харид иштирокчиларининг ўртасидаги муносабатларни яхшилаш миллий иқтисодиётда товар (иш, хизмат)ларни етказиб берувчиларга ўз иш фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштиришнинг услубий жиҳатларини аниқлаштиришни талаб

қилади. Бу ерда давлат ва корпоратив тузилмаларда функцияларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш, давлат эҳтиёжларини аниқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шартномалар тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш муҳимдир. Электрон платформа оператори нафақат техник функцияларни бажариш билан бирга, электрон дўкон, аукцион ва танлов (конкурс) савдоларининг самарали ўтказилиши учун ташкилий жавобгар (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Давлат буюртмачилари ва харид иштирокчиларига қўйиладиган талаблар[1]**

| Харидларни ташкиллаштирувчи ташкилотлар | Ташкилотчиларга қўйиладиган талабалар |
|---|---|
| Давлат ва корпоратив харидларининг субъектлари | товар (иш, хизмат)ларга бўлган эхтиёжни аниқлаш, буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш, шартномаларни тузиш шунингдек тузилган шартномаларни назорат қилиш |
| Давлат харидлари бўйича ваколатли орган | ваколатли орган давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади |
| Харид иштирокчилари | товар (иш, хизмат)ларнинг, техник ва функционал хусусиятларини тўлиқ акс эттириш ва буюртмаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш |
| Электрон савдолар оператори | электрон савдоларни ўтказиш учун зарур бўлган дастурий таъминот ва техникага ега бўлиш билан бирга электрон платформани оқилона бошқара олиш имконияти |

Ўбекистон Республикасида ушбу соҳада ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди, жумладан:

-“Электрон имзо тўғрисида”ги;

-“Электрон тижорат тўғрисида”ги;

-“Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги;

-“Электрон тўловлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки:

- Давлат хариди тўғрисидаги қонунга кўра давлат хариди жараёни очиқ-ошкора бўлади;
- Барча маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон қилиниши таъминланади;
- Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура ва Молия вазирлиги томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг, давлат назорати ўрнатилади;
- фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва ОАВ томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Шундай қилиб, давлат харидлари тизимини ривожлантириш, уни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш умумлаштирилган миллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай ҳолатларда, амалга оширилаѐтган усулларни амалѐтга жорий қилишнинг салбий ва ижобий оқибатлари синчковлик билан таҳлил қилиниши керак, акс ҳолда давлат харидларини бошқаришнинг якуний мақсадига яъни, давлат харидларининг самарадорлигини оширишга шунингдек, харидларда шаффофликни таъминлашга эришиб бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гофуров Д.Б. “Давлат харидлари тизимига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш йўналишлари” // “Молия” журнал. №6. – Тошкент, 2019 й.

2. Т.С.Маликов. Молия. Ўқув қўлланма. -Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т.:«IQTISOD-MOLIYA», 2005, 357-б.

3. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.

1 Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

# СОВРЕМЕННЫЕ ЗАДАЧИ СОВЕРШЕНСТОВАВАНИЕ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Нуритдинов Сардор Комолиддин ўғли,**
**Хожиев Азизбек Мақсудбек ўғли**
магистранты ТГЭУ
sardor_nk@mail.ru,
xojiyevazizbek@.bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** В статье изучены научно-теоретические аспекты совершенствование банковско-финансовой системы, путем либерализации валютного рынка, активизировать работу по развитию фондового рынка и внедрением новых финансовых инструментов.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** инновационная экономика, коммерческие банки, финансовый рынок, фондовой рынок, регулирующие доходы, риск ликвидности.

В условиях инновационной экономики обеспечение высоких темпов развития и эффективности проводимой в республике социально-экономической, макроэкономической, банковско-финансовой политики имеет признание в мировом масштабе. Это признание - фактор очевидный и немаловажный, поскольку в современном мире, как никогда, сегодня значимость страны определяется мощью и конкурентоспособностью национальной экономики, а стабильность, помимо других моментов, — устойчивостью банковской системы.

Сегодня в стране опережающими темпами развиваются банковские, страховые, лизинговые, консалтинговые и другие виды рыночных услуг, способствующие развитию частного сектора и малого бизнеса в стране. В этой отрасли действуют 80,4 тысячи субъектов малого бизнеса, что составляет более 80 процентов от общей численности предприятий сферы услуг.

Пройдя долгий и сложный путь 30-летнего развития, коммерческие банки Узбекистана в итоге превратились в мощный банковско-финансовый институт, способный поддерживать национальную экономику страны и содействовать реализации крупных и сложных проектов в различных отраслях экономики. Сейчас деятельность отечественных банков определяют новые, более совершенные принципы и модели, характерные для международных стандартов ведения банковского бизнеса. Например, повышение финансовой устойчивости банков происходит за счет улучшения качества их активов, совершенствования банковского дела, расширению видов оказываемых услуг. Особую роль в банковской системе играет уровень Центрального банка, который выступает регулятором финансового рынка. Его можно рассматривать как игрока финансового рынка, имеющего значительный экономический потенциал и объем собственных и привлеченных ресурсов. Центральный банк выполняет функцию банка банков и является кредитором последней инстанции, а в условиях финансового кризиса - первой инстанции. Уровень коммерческих банков, функционирует в соответствии с денежно- кредитной политикой государства, регулирует движение денежных потоков, оказывает влияние на скорость их оборота, эмиссию, общую массу, включая количество наличных денег, находящихся в обращении. Банковские институты выступают в роли финансовых модераторов экономического роста. Развитие деловой бизнес-среды в стране и разработка инновационных проектов заставляют банки быть более активными со своими международными партнерами, с тем, чтобы отечественные предприниматели и товаропроизводители расширяли сферу и географию своего бизнеса, получали больший доступ к финансам международных финансовых структур. Поэтому международное сотрудничество становится важным аспектом работы для узбекских банков, и политика расширения их международных контактов обусловлена широкомасштабной программой поддержки отечественного малого бизнеса, создания совместных предприятий, реализации инвестиционных проектов. Инициируя получение международных кредитов и траншей от мировых финансовых институтов, коммерческие банки республики содействуют укреплению частного бизнеса страны, его экспортного потенциала, расширению объемов отечественной продукции на мировых рынках, созданию имиджевой составляющей предприятий и самих банков. Банковская система не является случайной совокупностью элементов; она обладает

спецификой, обусловленной особым характером ее элементов- экономических агентов и отношений между ними и может рассматриваться как сложное многообразие элементов, выполняющих разнообразные функции и подчиненных единому целому.

Принципами организации банковской системы Узбекистана выделяются:

- принцип двухуровневой структуры банковской системы;
- принцип универсализации банковских институтов.

Принцип двухуровневой структуры банковской системы реализуется путем четкого законодательного подразделения функций Центрального банка и коммерческих банков.

Принцип универсализации узбекских банковских институтов основан на тезисе, что все действующие на территории Узбекистана банки имеют универсальные и функциональные возможности.

Действующим законодательством не предусмотрено специализация банков по видам операций. Справедливо, что в условиях нестабильности экономики универсализация деятельности банков способствует обеспечению их большей доходности за счет диверсификации активов и пассивов.

К слабым сторонам нашей банковской системы можно отнести:

1) недостаток долгосрочных ресурсов, что способствует большому риску ликвидности;

2) незначительный уровень капитализация рынка финансовых услуги отсутствие долгосрочных источников роста капитала банковских институтов;

3) недостаток высококвалифицированных банковских менеджеров, владеющих современными технологиями, инструментарием и методиками управления систематическими и специфическими финансовыми рисками;

4) низкий уровень корпоративного управления и корпоративной культуры, непрозрачные отношения собственности;

5) уникальный доступ государственных банков к более дешевым ресурсам, что подрывает справедливую конкуренцию в банковско-финансовом рынке.

Таким образом, в целях дальнейшего развития банковско-финансовой системы предлагаем:

- активизировать работу по развитию фондового рынка;
- продумать внедрение новых финансовых инструментов, выпуск облигаций;
- изыскать возможности либерализации валютного рынка.

**Список литературы**

1. Статистический бюллетень Центрального банка Республики Узбекистан -2020 год.

2. К.Абдурахманов, Ш.Абдуллаева. Банковская система Узбекистана: новые реалии и приоритеты. // Правда востока. -Ташкент, 2018. - №68. - 11 апреля.

3. Алиев, Б. Х. Деньги, кредит, банки. Учебное пособие / Б.Х. Алиев, С.К. Идрисова, Д.А. Рабаданова. - М.: Вузовский учебник, Инфра-М, 2018. - 288 с.

4. Лаврушин О. И., Валенцова Н. И. Банковские риски: учебник. -3-е изд. исп. и доп.-М. КНОРУС, 2013.

5. http://www.cbu.uz официальный сайт центрального банка РУз.

# КАПИТАЛ БОЗОРИ ОРҚАЛИ ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Сапаев Ҳамидулла Сапабоевич**
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети магистранти

**Аннотация:** Бизга маълумки капитла бозорини ривожлани ҳорижий инвестиция кўпайишига олиб келишига имкон бўлади. Шунингдек, молия бозорига хорижий капитал оқимларини асосан ўрта ва узоқ муддатга жалб қилишни муаммоларини ҳал қилиш бўйича баён қилинган.

**Калит сўзлар:** капитал бозори, портфел инвестиция, тижорат банклар, капиталлашув, миноритар инвестор

Ҳар қандай бизнес субъекти хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлишидан қатъий назар ўзининг қандайдир фаолиятини амалга ошириш учун албатта қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади. Маълумки, бугунги кунда кўпгина лойиҳаларни молиялаштириш манбаси сифатида давлат томонидан бериладиган маблағлар ёки тижорат банкларининг кредитлари асосий дастак вазифасини бажараётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан молия-кредит соҳасини тараққий эттириш бўйича ҳукуматимиз олдида турган асосий вазифалардан бири капитал бозорини ривожлантириш, қайсидир маънода ҳаракатга келтириш масаласи турганлиги кундек равшан. Бу борада бажарилиши лозим бўлган ишларнинг норматив-ҳуқуқий асоси сифатида биз албатта Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 13 апрелда қабул қилинган “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони [1] ҳамда 2022 йил 17 январда қабул қилинган “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”даги ПҚ-90-сон Қарорларини [2] келтириб ўтишимиз лозим. Ушбу меъёрий ҳужжатларда капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб, жумладан, қуйидагилар белгиланди:

1. капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн. сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратилади;
2. капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи қонунчилик базасини яратилади;
3. миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг нафар аҳолини қамраб олинади;
4. 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидаги даромадлари даромад солиғидан озод қилинади;
5. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидаги даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахслар сингари фойда солиғининг 5 фоиз ставкаси татбиқ этилади;
6. Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилинади.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг нақадар муҳимлиги мамлакатимизда капитал бозорини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Замон шиддат билан ривожланган сари мамлакатлар молия-кредит тизими ҳам ўз таркибига янги элементларни қўшиб бораётгани сир эмас. Молия-кредит тизими билан биргаликда унинг таркибий қисмлари ҳам янгиланиб бормоқда десак муболаға бўлмайди. Бундан бир қанча муддат олдин реал активлар фойда ёки даромад олишнинг базаси сифатида

қаралган бўлса, бугунги кунда капитал деганда асосан корпоратив тузилмаларнинг пул ҳамда қимматли қоғозлар кўринишидаги активлари тушунилмоқда. Шунинг учун капитал бозорига қайсидир маънода “пул ва фонд активлари билан олди-сотди операциялари ўтказиладиган иқтисодий макон” дея таъриф берсак ҳам ўринли ҳисобланади. Биз даставвал капитал бозорининг тузилмасини аниқлаб олишни зарур деб ҳисобладик ва уни қуйидаги 1-расмда кўриб чиқамиз.




**1-расм. Капитал бозори тузилмаси**[1]

1-расмдан кўришимиз мумкинки, мамлакат иқтисодиётида капитал бозори сегментлари самарали фаолият олиб бориши учун маълум бир шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Капитал бозорининг энг катта сегменти валюта бозоридир, чунки у жуда кўп сонли операцияларни амалга оширади. Чунки валюта сегменти ташқи савдо операцияларига хизмат қилади ва бу ерда валюта курсининг ўзгаришидан даромад оладиган энг спекулятив операциялар амалга оширилади.

Капитал бозорининг иккинчи йирик сегменти суғурта хизматлари бозоридир. Даромаднинг катта қисми суғурталовчиларнинг бадаллари ҳисобига олинади. Ушбу турдаги хизматларни тақдим этувчи компаниялар турли ўлчамларда бўлиши мумкин, аммо энг катта иштирокчилар трансмиллий компаниялардир. Бу ишлаб чиқариш сектори, шунингдек, уй хўжалиги сектори манфаатларига хизмат қилади.

Капитал бозорининг яна бир муҳим сегменти фонд бозоридир. Зеро, қимматли қоғозлар бозори молиялаштиришнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлиб, одатда иқтисодиётнинг барометри сифатида тан олинади [3]. У ҳар хил турдаги қимматли қоғозлар, шунингдек деривативлар - фючерс ва опционлар билан савдо қилади. Ушбу сегмент омонатчиларни янада фаол инвестиция фаолиятига ундайди ва энг муҳими, маблағларни қайта тақсимлаш имконини беради. Реал сектор вакиллари кўпинча қўшимча молиявий даромад олиш мақсадида молиявий активларининг бир қисмини қимматли қоғозларда сақлайдилар. Бундан ташқари, улар турли вақт оралиғида рисклар ва даромадларни тақсимлаш имконини берувчи инвестиция портфелларидан фойдаланадилар.

Маълумки, капитал бозорининг самарали фаолият юритаётганлигини акциядорлик жамиятлари бозор капитализациясини мамлакат ЯИМдаги улушини кўрсаткичи орқали характерлаш, қайсидир маънода баҳолаш мумкин. Айнан шуни инобатга олиб биз тадқиқотларимиз мобайнида капитал бозорининг энг фаол субъектларидан бўлган акциядорлик жамиятлари бозор капитализациясининг мамлакатлар ЯИМдаги улушини таҳлил қилишни лозим топдик. Уни қуйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин.

1 Муаллиф томонидан шакллантирилди.

**1-жадвал**

**Дунё компаниялари умумий бозор капитализациясининг мамлакат ЯИМга нисбати[1]**

| № | Мамлакат номи | Компаниялар умумийбозор капитализацияси(млн.АҚШ долларида) | | Компаниялар умумий бозор капитализациясининг мамлакат ЯИМга нисбати (% да) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Таққосланаётган давр (йил) | | | |
| | | 2010 | 2020 | 2010 | 2020 |
| 1. | АҚШ | 17,283,452 | 40,719,661 | 115,3 | 194,3 |
| 2. | Россия федерацияси | 951,296 | 694,739 | 64,2 | 46,8 |
| 3. | Хитой халқ республикаси | 4,027,840 | 12,214,466 | 66,2 | 83,0 |
| 4. | Германия | 1,429,719 | 2,284,109 | 42,1 | 59,4 |
| 5. | Корея республикаси | 1,091,911 | 2,176,190 | 95,4 | 132,9 |
| 6. | Қозоғистон | 26,673 | 45,202 | 18,0 | 26,4 |

Юқоридаги 1-жадвалдан кузатишимиз мумкинки, 2010-йилда АҚШ компаниялари умумий бозор капитализациясининг мамлакат ЯИМга нисбатан 115,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020-йилда бу кўрсаткич 194,3 фоизни ташкил қилган. Буни биз ушбу давлатда рақамли молиявий хизматлар кўрсатадиган компаниялар фаолияти билан изоҳлаган бўлар эдик. Аслида бу кўрсаткич COVID-19 пандемияси бошланмаганда бунданда юқори бўлиши ҳам мумкин эди. Корея Республикасида охирги 10 йилликда ушбу кўрсаткич ижобий рақамлар сари ҳаракатланган, яъни 2010-йилдаги 95,4 фоиздан 2020-йилда 132,9 фоизга кўтарилган. Жадвал маълумотларидан кўринадики, қолган давлатлар компаниялари умумий бозор капитализациясининг мамлакат ЯИМга нисбати 100 фоиз маррани забт эта олмаган. Лекин шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, қўшни Қозоғистонда АЖлар бозор капитализациясининг ЯИМдаги улуши 2020-йилга келиб 26,4 фоизни ташкил этган. Афсуски, Жаҳон банкининг тегишли таҳлилларида айнан Ўзбекистон Республикасидаги ҳолат бўйича малумот берилмаган. Таққослаш учун биз бошқа ахборот манбаси маълумотларини ўрганиб чиқдик. Яъни 2020 йил январ ойи бошига ҳолатига Қимматли Қоғозлар Марказий Депозитарийсида 598 та акциядорлик жамиятининг 149,5 трлн. сўм номинал қийматга эга қимматли қоғозлари чиқарилиши ҳисоби юритилган [4]. Маълумотларига кўра 2020-йил якунларига бўйича Ўзбекистон Республикаси 580,2 трлн. сўмлик ЯИМ яратилган[5]. Шу маълумотларга таянган ҳолда АЖлар умумий капитализациясининг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 25,7 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Таҳлилларимиз мобайнида биз ўтган йилда фонд бозорида акциядорлик жамиятларининг иштирокини ҳам кўриб чиқдик. 2022-йилнинг 1-январь ҳолатига Қимматли Қоғозлар Марказий Депозитарийсида 607 та акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари рўйхатга олинган бўлиб, сони 12 211 млрд. дона бўлган, номинал қиймати 153 047,94 млрд. сўмлик акциялар эмиссия қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Акциялар эмиссияси 2021-йилда ўтган йилга нисбатан 3 545,68 млрд. сўмга ошган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 2022-йил 1-январь ҳолатига мамлакатимизда фаолият юритаётган 607 та АЖлардан 234 тасида 125 322,1 млрд. сўмга тенг давлат улуши мавжуд бўлиб, олдинги 2020-йилга нисбатан 2 279,0 млрд. сўмга камайган[2]. Лекин кўриниб турибдики, бугунги кунда акциядорлик жамиятлари умумий бозор капитилизациясидаги давлат улуши ҳали ҳамон жуда юқори.

Юқоридаги рақамлардан хулоса қилишимиз мумкинки, бизнингча, республикамизда капитал бозорининининг экстенсив тарзда ривожланишига тўсқинлик қилаётган айрим масалалар мавжуд. Уларга:

1. банк кредитларининг бошқа молиялаштириш манбаларига нисбатан ўта

1 http://wdi.worldbank.org/table/5.4 маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди
2 14.http://www.deponet.uz/news?page=31 sayti ma’lumotlari

монополлашганлиги;

2. иккиламчи қимматли қоғозлар бозори фаоллик даражаси жуда паст эканлиги (объектив ва субъектив сабаблар таъсирида);

3. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган, лекин амалиётда фойдаланишга рухсат этилмаган молиявий инструментлар;

4. капитал бозорини тартибга солиш бўйича бир нечта норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги (баъзида бир норматив ҳужжат иккинчисини инкор қилади);

5. жамият аъзоларидан кўп қисмининг молиявий саводхонлик даражаси ҳамда капитал бозорида фаолият юритишга қизиқиш даражаларининг пастлиги каби мунозарали ҳолатларни келтириб ўтишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январда қабул қилинган “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”даги ПҚ-90-сон Қарори.

3. Liu, Q., Wang, C., Zhang, P., Zheng, K. Detecting stock market manipulation via machine learning: Evidence from China Securities Regulatory Commission punishment cases International Review of Financial Analysis, Volume 78, November 2021

4. http://deponet.uz/uz/page/kvartalnye-otchety

5. https://www.spot.uz/ru/2021/01/26/gdp/

# ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ (БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ) ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ДАВЛАТ МОЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Тошбоева Мафтуна Бахром қизи,**
**Исмаилов Мусабек Руслан ўғли**
ТДИУ магистрантлари
maftun.b@mail.ru,
musair_n@bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** Бюджетдан ташқари жамғармалар - бу оператив мустақиллик асосида давлат томонидан айрим турдаги ижтимоий эхтиёжларни молиялаштириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш формасидир. Мазкур мақолада давлат мақсадли жамғармаларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш каби муҳим ва ўзига хос ҳамда аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Мақсадли жамғармалар, молиялаштириш манбалари, ижтимоий эҳтиёжлар, молиявий ресурслар, давлат молияси ва маҳаллий молия, молиявий муносабатлар.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши бюджет тизими, жумладан, маҳаллий бюджетлар аҳамиятини янада оширади. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Ислоҳотлар чуқурлашиши билан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ҳажми ошаверади, шунингдек, улар ихтиёрига қоладиган даромадлар ҳам кенгаяверади.

Давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар) олдиндан белгиланган маълум муддатларда тузилиши ёки доимий равишда мавжуд бўлиши мумкин. Бу жамғармаларнинг вужудга келиши Давлат бюджетининг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслигидан қатъий назар маблағлар мақсадли манбаининг зарурлиги билан белгиланади. Биринчи навбатда, бу социал таъминот, текин мақсадли йўналтирилганлиги белгиси бўйича давлат мақсадли фондларини қуйидаги икки гуруҳга бирлаштириш мумкин:

социал мўлжалланган (йўналишга эга бўлган) давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар);

тармоқлараро ва тармоқ характерига эга бўлган давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар).

Айрим ҳолатларда (ҳолларда) ҳудудий йўналтирилган (мўлжалланган) давлат мақсадли жамғармалари (нобюджет жамғармалар ёки бюджетдан ташқари жамғармалар) ташкил қилиниши (шакллантирилиши) мумкин.

Давлат мақсадли фондлари молия тизими "Давлат молияси ва маҳаллий молия" соҳасининг алоҳида бўғини сифатида қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Республика йўл жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Давлат мақсадли жамғармаларида катта миқдордаги маблағларнинг тўпланганлиги шароитида давлат молиявий назоратининг сусайиши бу маблағлардан самарасиз фойдаланишга ва турли-туман суъистемол қилиш ҳолатларининг содир этилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат молиявий ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларни Давлат бюджетига жамлаш (консолидация қилиш) мақсадга мувофиқдир. Бунда жамланган (консолидация қилинган) жамғармаларнинг мақсадли йўналиши ўзгартирилмасдан сақланиб қолиши таъминланиши лозим.

Бюджетдан ташқари жамғармалар - бу оператив мустақиллик асосида давлат томонидан айрим турдаги ижтимоий эхтиёжларни молиялаштириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш формасидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар давлат молиясининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бюджетдан ташқари жамғармалар - бу ҳукумат органлари томонидан миллий

даромадни алоҳида гуруҳлари фойдасини қайта тақсимлаш усулидир.

Бюджетдан ташқари жамғармалар 2 та вазифани бажаради:

1. Иқтисодиётнинг устивор тармоқлари қўшимча маблағлар билан таьминлаш;

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тармоқлари соҳасини кенгайтириш.

Давлат мақсадли Жамғармаларини ташкил этишнинг зарурияти аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таьминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таьминоти), кам таьминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таьминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таьтиллар), соғлиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни моддий қўллаб-кувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таьминланади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантиришнинг манбалари улар ташкил этган вазифаларнинг характери ва масштабига қараб аниқланади. Манбаларнинг тури ва хажмига ривожланишнинг у ёки бу босқичидаги мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий ҳолати таьсир этади. Давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантириш манбалари нисбатан доимий ва вақтинчалик характерга эга. Улар давлат ҳудудида турли хил бўлиши мумкин. Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш жамғармаларнинг мақсади, аниқ иқтисодий шароитлар ва ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлардан келиб чиқилади.

Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодиётда, хусусан, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда кенг қўлланиладиган пул маблағлари ҳаракатининг кўп жабҳали шакли сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида, ушбу муносабатларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётда тўғри ҳамда самарали татбиқ этишнинг долзарблигини оширади. Молия ва молиявий муносабатларнинг асосий моҳияти - давлат ва хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, маблағларнинг ишлаб чиқариш жабҳалари ривожидаги балансլашувида намоён бўлади.

Ҳар қандай молиявий муносабатлар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш)ни таъминлашда ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳисобига юзага келади ва улар ўз табиатига кўра, объектив ҳисобланади. Молиявий муносабатлар молия механизми орқали бошқарилади. Уларни бошқариш мақсадида молия тизими шакллантирилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Tuychiev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet hisobi. Darslik. – T.: “Iqtisod moliya” 2018. 428 b.;

2. Т.С.Маликов. Молия. Ўқув қўлланма. -Mariana Piaia Abreu, Rosanna Grassi Structure of control in financial networks: An application to the Brazilian stock market. 0378-4371. 2019 Elsevier B.V.Allrightsreserved. journal homepage: www.scopus.com;

3. www.mf.uz - O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi rasmiy veb-sayti.

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Тошбоева Мафтуна Бахром қизи**
ТДИУ магистранти
Телефон: +998974303042
maftun.b@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Мактабгача таълим ташкилотлари давлат ва жамиятнинг фундаментал асосларини институционал жиҳатдан ташкил этувчи, улғайиб келаётган авлод билан педагогик фаолиятни амалга оширилишини таъминлайдиган институт ҳисобланади. Мазкур мақола мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг ўзига хос ва аҳамиятли жиҳатларин очиб беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Мактабгача таълим ташкилоти, молиялаштириш манбалари, аҳоли даромадлари, бюджет маблағлари, молиялаштириш механизми, таълим хизматлари.

Бизга маълумки инсонларнинг улғайиши билан босқичма-босқич юзага келувчи ҳуқуқлардан бири – бу таълим олиш ҳисобланади. Ижтимоий институт сифатида мактабгача таълим ташкилотлари мамлакатнинг соғлом ва баркамол ёш авлодини шакллантиришдаги дастлабки “кўприк” вазифасини бажаради. Мактабгача таълим ташкилоти давлат ва жамиятнинг фундаментал асосларини институционал жиҳатдан ташкил этувчи, улғайиб келаётган ёш авлод билан педагогик фаолиятни амалга оширилишини таъминлайдиган институт ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки 2000-2021 йиллар давомида аҳоли даромадларида хизматларни сотиб олиш улуши 13 фоиздан 21 фоизга ўзгарган, лекин бу кўрсаткич юқори ўсишни кўрсатиб бермайди. Демак, аҳоли томонидан хизматларни, жумладан, ижтимоий хизматларни сотиб олишда даромаднинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, таълим хизматлари учун атиги аҳоли даромадларининг 2,5 фоизи[1] харажат қилинаётганлиги, бюджетнинг ролига устуворлик берилишини тақозо этади.

Мактабгача таълим ташкилотларида бюджет маблағларининг сақланиб қолиши ушбу институтни молиялаштиришнинг натижа мезонларини амалиётга жорий этилишини талаб этади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мактабгача таълим бюджетдан молиялаштириш улуши сезиларли эканлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ҳам таълим соҳаси харажатлари давлат бюджети харажатларида энг катта улушга эга. Тадқиқотлар асосида қайд этиш мумкин, мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш механизмини замон ва макон жиҳатидан ўзгартириб бориши ҳам мумкин, яъни, мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш манбалари бўйича қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- бюджетдан тўлиқ молиялаштирилувчи;
- бюджетдан қисман молиялаштирилувчи;
- хусусий тўловлар ҳисобидан молиялаштирилувчи.

Хорижлик олимлар Мингат ва Таннинг тадқиқотларида бу борада илмий хулосалар мавжуд. Хусусан, бюджет харажатлари улуши таълимнинг навбатдаги босқичларига нисбатан тескари пропорционал бўлиши таъкидланган, яъни, юқори даромадли давлатлар олий таълимга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга жиддий эътибор қаратишади[2].

Мактабгача таълим ташкилотининг барча харажатларини асосан бюджетдан тўлиқ қопланиши назарда тутилади. Ушбу муассасанинг молиявий фаолияти харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади ва бюджет ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда давлат ижтимоий хизматни таъминлашни тўлиқ таъминлаб беради. Мазкур типда молиялаштирилувчи мактабгача таълим ташкилотларида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлмаслиги, муассаса сиғимидан кўра кўпроқ болалар бўлиши, бюджет маблағларидан тадбирларни тўлиқ молиялаштириш имкониятини чекланишига олиб келиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш ва бюджетга тушадиган молиявий юкни камайтириш мақсадида ота-оналар тўлови жорий этилган. Мазкур тўловлар мактабгача таълим ташкилотларининг айрим харажатларини қоплаш учун йўналтирилади. Шундай бўлса-да, ушбу тўловлар мақсадли эмаслиги ва улардан фойдаланганлик тўғрисидаги маълумотлар шаффоф эмаслиги ушбу маблағларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Бу ҳолат биринчи навбатда, бюджет ва ота-оналар

тўловининг аниқ чегараси белгиланмаганлиги билан изоҳланади. Фикримизча, қисман бюджетдан молиялаштирилувчи мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловлари шаффофлигини таъминлаш учун ушбу муассасада кўрсатилувчи хизматларнинг қайси бири давлат томонидан, қайси бири тўловлар асосида таъминланишини аниқ белгиланиши лозим. Бунинг учун эса, давлатнинг ваколатли органлари томонидан тегишли ҳуқуқий-норматив билан хизматларнинг мезонлаштирилиши жорий этилиши зарур ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бюджетдан молиялаштирилишида қуйидаги омилларга эътибор қаратилган таклифларни билдириш мумкин:

- мактабгача таълим ташкилотида давлат зиммасидаги хизматларнинг аниқ ҳажмини белгилаш;
- умумий ва якка тартибда мактабгача таълим хизматларини гуруҳлаштириш;
- давлат таълим хизматларига йўналтирилган бюджет маблағларининг тежамкорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичлари мавжуд бўлиши;
- манзилли аҳамиятга эга бўлган муассаса хизматлари ҳажмини белгиланиши;
- оралиқ ва якуний натижа мезонларини инобатга олиниши;
- мактабгача таълим ташкилотларида молиявий менежментнинг эркинлигини таъминланиши.

Давлат зиммасидаги хизматларни, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан барчага тенг таысимлаш мақсадга мувофиқ эмас. Умумий ва индивидуал аҳамиятдаги хизматлар бу мактабгача таълим ёшидаги болаларга доимий ва ёши жиҳатидан даврий хусусиятдаги хизматларни белгиланиши талаб этилади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган тадбирларнинг барчасини қамраб олиниши билан уларнинг тежамкорлиги таъминланиши мумкин бўлса, самарадорлик кўрсаткичлари нафақат бюджет маблағларига нисбатан, балки ота-оналар тўловларидан фойдаланиш бўйича ҳам мавжуд бўлиши назарда тутилади. Манзилли харажатлар аҳолининг маълум кам даромадли қатлами учун тўловларнинг мавжуд эмаслиги ва уларнинг бир муассасада аниқ, масалан, молиялаштириш ҳажмининг 8 ёки 12 фоизи ҳажмида белгиланиши. Оралиқ ва якуний натижалар ҳар бир ёш кесимида болаларнинг билим олганлик ва соғломлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар бўлса, якуний натижалар муассасасининг йиллик тарзида ёки мактабга чиқарган тарбияланувчиларининг баркамоллиги билан изоҳланади. Мактабгача таълим ташкилотларида молиявий мустақилликнинг мавжуд бўлиши рақобатбардошликни таъминлайдиган муҳим омилдир.

Умуман олганда, мактабгача таълим хизматларини бюджетдан молиялаштирилишида эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар билан бирга молиялаштириш тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, мактабгача таълим хизматлари давлат томонидан ёхуд хусусий манбадан юқорида қайд этиб ўтилган тамойилларга асосланиши орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотларида молиявий фаолиятни амалга оширилишида мактабгача таълим хизматларида бюджет ва хусусий маблағларнинг ўртасидаги чегарасини, шунингдек, мазкур хизматларнинг хусусийлаштирилиш мезонини белгилаш орқали унинг тижоратлашидан кўра, ижтимоийлашув хусусиятига эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маъулмотлари (https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf)

2. Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries' Economic Growth Performance//Human Capital Development Working Paper 73. World Bank,Washington, DC. 1996.

3. Т.С.Маликов. Молия. Ўқув қўлланма. -OECD Fiscal Decentralisation Database. https://www.oecd.org/ctp/fe-deralism/fiscal-decenttion-database.htm#A_1 ;

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»;

5. Паздникова Н.П. Коэффициентный анализ устойчивости местных бюджетов. Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки. 2016. № 4. – С.180-193;

6. Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений: Учебное пособие. – Т.: ТФИ. 2002. – С.39;

7. www.mf.uz- официальный сайт Министерства финансов Республики Узбекистан.

# INVESTITSIYALARNI LOYIHAVIY MOLIYALASHTIRISHNING OB'YEKTIV ZARURLIGI VA XUSUSIYATLARI

**Elmirzayev Samariddin Eshquvvaovich**
TDIU professori, i.f.d.
**Akramova Nilufar Tulqinovna**
TDIU magistranti

**ANNOTATSIYA:** Maqolada investitsiyalarni loyihaviy moliyalashtirishning ob'yektiv zarurligi va xususiyatlari, shuningdek, loyihaviy moliyalashtirishda qatnashish imkoniyatiga ega bo'lgan ishtirokchilarning loyihani amalga oshirishdagi vazifalarini bilishi va yuqori natijalarga eltuvchi omillar to'g'risida so'z yuritiladi.
**KALIT SO'ZLAR:** investitsiya loyihalari, loyihaviy moliyalashtirish, investorlar kapitali, moliyalashtirish manbalari, loyiha aktivlari, bank kreditlari.

Zamonaviy sharoitlarda turli yirik investitsiya loyihalarini moliyalashtirish juda yuqori riskga ega bo'lib investorlar faoliyatida ayrim qiyinchiliklarni yuzaga keltirmoqda. Bunday vaziyatlarda riskni taqsimlash muhim vazifa hisoblanadi. Investitsiyalarni loyihaviy moliyalashtirish mexanizmi aynan shunday paytda yirik strategik investorlar kapitalini turli yo'qotishlardan himoya qilishda asosiy dastaklardan biri sanaladi.

Loyihaviy moliyalashtirish - bu bank tomonidan kreditni berish, baholash va monitoringini olib borish jarayoni bo'lib, bunda kredit ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish ob'ektlarining normal ishlashi uchun qurilish, qayta ta'mirlash yoki texnik qayta qurollantirish, shu jumladan, asbob-uskunani sotib olish yoki asosiy fondlarni tashkil etish hamda ishchi kapitalni sotib olishga yo'naltiriladi. Loyihani amalga oshirish orqali ko'rilgan qo'shimcha daromad kreditni qaytarishning asosiy manbai bo'lib hisoblanadi. Agarda loyihani amaga oshirish orqali qo'shimcha daromad olinmasa yoki loyiha bo'yicha ishlab chiqarishni modernizatsiyalash orqali iqtisodga erishilmasa, bunday moliyalashtirishni loyihaviy moliyalashtirish deb bo'lmaydi, u biznes-reja asosida amalga oshiriladigan moliyalashtirish hisoblanadi[1]. Loyihaviy moliyalashtirishning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning manbalari, vositalari, usullaridan keng ko'lamda foydalanish mumkinligi;
- loyiha risklarining uning ishtirokchilari o'rtasida ma'lum nisbatda taqsimlanishi;
- loyiha investorlari va kreditorlariga qarz mablag'larining qaytarilishi, foizlar va dividendlar to'lanishi ta'minoti bo'lib,
- loyihani amalga oshirishdan keladigan kelgusidagi foyda hisoblanadi, ba'zi hollarda loyiha aktivlari ham ta'minot sifatida foydalanilishi mumkin;
- loyihani olib yuruvchi sifatidagi, o'z daromadalriga (jalb qilingan investitsiya resurslarini qaytarish manbalariga) ega bo'lgan huquqiy va iqtisodiy ma'nodagi mustaqil loyiha jamiyatining mavjudligi;
- xo'jalik yurituvchi birlikda (loyihada) resurslar jalb qilinayotgan butun davr mobaynida ishlab chiqarish xarajatlarini qoplash uchun, shuningdek, kreditorlar qarz majburiyatlariga xizmat qilish uchun pul tushumlari summalarining etarliligi;
- loyiha tayyor bo'lib ishga tushgandan keyin, xususiy investorlar majburiyatllarining cheklanganligi yoki majburiyatlardan butunlay ozod qilinganligi.

Investitsiya loyihalarining uzoq muddatli bank kreditlarini loyihaviy moliyalashtirishning ayrim xolatlardagi kichik bir shakli sifatida qarash mumkin. Bunga quyidagi omillar sabab bo'ladi. Birinchidan, tijorat banklarining nuqtai nazaridan loyihaviy moliyalashtirish doirasidagi kredit operatsiyalari yuqori riskli operatsiya hisoblanadi. Loyihaviy moliyalashtirish tizimida bank qarzdorga regress huquqisiz kredit beradi. Kreditni qaytarish va foizini to'lash manbasi bo'lib, investitsiya loyihasini amalga oshirishdan oladigan daromad hisoblanadi. Tijorat banklari risklarni qabul qilganligi uchun mukofot tariqasida yuqori foiz oladi. Shu tariqa bank yuqori riskni sug'urta qiladi. Ikkinchidan, loyihaviy moliyalashtirishda asosiy e'tibor investitsiya loyihalarining risklarini baholashga va uni pasaytirishga qaratiladi. Bunday holda asosiy rolni etakchi bank o'ynaydi, u o'zining xodimlari bilan va maslahatchilarni jalb etgan holda investitsiya loyihasining samaradorligini, pul oqimi dinamikasini, mahsulot sotish istiqbolini, loyiha risklarini baholaydi.

Loyihaviy tahlil loyihaviy moliyalashtirishda eng asosiy ahamiyatga ega bo’lgan jarayondir. Uchinchidan, loyihani amalga oshirishda quyidagi ko’pgina ishtirokchilarning qatnashishi ko’zda tutiladi.

Loyihaviy moliyalashtirishda loyiha kompaniyalarining mavjudligi, uning asosiy belgilaridan biri hisoblanadi. Loyiha kompaniyalari loyihani amalga oshirish sharoitida loyiha homiylari tomonidan tashkil etildi. Agar oddiy kredit operatsiyalarida bank qarzdorning oldingi davrdagi moliyaviy faoliyatining natijalari bilan qiziqsa, investitsiya loyihasini hayotga tadbiq etishda esa bank asosiy e’tiborni loyihani samaradorligini baholashga va loyiha kompaniyasining faoliyatini ta’minlovchi kafolat masalalariga e’tibor beradi. Olingan kredit ta’sischilarning balansida emas, balki loyiha kompaniyasining balansida o’z aksini topadi. Bu usul “balansdan tashqari” (“of balance sheet”) deb nomlanadi. To’rtinchidan, loyihaviy moliyalashtirishda kreditor asosiy e’tiborni shuningdek loyihani amalga oshirish jarayonining nazoratiga qaratadi. Ko’p hollarda bu funktsiya kreditorlar tomonidan amalga oshirilsa, ayrim hollarda maxsus kompaniyalar taklif etiladi. Maxsus kompaniya qarzdor bilan tuzilgan shartnoma asosida loyihani amalga oshirish jarayoni ustidan doimiynazorat olib boradi, qarzdor o’z navbatida bu kompaniyaga bajarilgan ishlar xususida davriy hisobot berib turadi. Beshinchidan, loyihaviy moliyalashtirish bozorida banklar turlicha vazifalarni bajaruvchi sifatida ishtirok etishi mumkin: bank-kreditor sifatida; kafolatchi sifatida; moliyaviy maslahatchi sifatida; lizing institut sifatida va h.k. Oltinchidan, qarzdor uchun loyihaviy moliyalashtirish doirasida olingan mablag’ o’z afzalliklari bilan bir qatorda oddiy kreditga nisbatan qimmatga ham tushushi mumkin.

Investitsiyalarni loyihaviy moliyalashtirishda qatnashish imkoniyatiga ega bo’lgan ishtirokchilarning, turli mablag’lar egalarining loyihani amalga oshirishdagi vazifalarini bilish loyihaga mablag’larni samarali birlashtirishga ko’mak beruvchi va yuqori natijalarga eltuvchi muhim omil hisoblanadi.

Shunday qilib, loyihaviy moliyalashtirish - bu investitsiya loyihalarini kreditlashtirishning bir turi bo’lib, kreditor bu loyihani amalga oshirish bilan bog’liq xatarlarni qisman yoki to’liq o’z zimmasiga oladi. Agar banklarning oddiy kredit operatsiyalarida eng avvalo qarzdorning kreditga qobiliyatliligini o’rganishga, uning moliyaviy va iqtisodiy holatini, shuningdek, garov sifatida foydalanadigan mol-mulklarni baholashga asosiy ahamiyat berilsa, loyihaviy moliyalashtirishda esa loyihaviy tahlilga asosiy  e’tibor qaratiladi.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. O’zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy bankining “Loyihaviy moliyalashtirishni tashkil etish tartibi to’g’risida”gi Nizomi;

2. Tuxliev Bozor Karimovich. Investisiyalarni moliyalashtirish manbalari va ularni takomillashtirish masalalari. https://www.tsue.uz;

3. Махмудов С. Б. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №5, октябрь, 2020 йил. 2 бет;

4. Электронное научно-практическое периодическое издание «Экономика и социум» №12(79) 2020. www.iupr.ru Российская Федерация, г.Саратов

# МЕТОДЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ РЕСУПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Шамсиев Диёр Дониёр ўғли,**
**Ахматов Достон Акмал ўғли**
Магистранты ТГЭУ
shd_dior@bk.ru,
doston.aa@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** В статье изучены научно-теоретические аспекты бюджетного регулирования местных бюджетов. Предложены пути по укреплению доходной базы путём зачисления ряда налогов за местными бюджетами, которые послужат обеспечению их финансовой устойчивости.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** местные бюджеты, бюджетное регулирование, доходы местных бюджетов, расходы местных бюджетов, сбалансированность бюджетов, собственные доходы, регулирующие доходы.

Настоящее время в Узбекистане зависимость местных бюджетов от вышестоящих бюджетов из-за недостаточности их собственных доходов для финансирования расходов местных бюджетов отрицательно сказывается на социально-экономическом развитии регионов, эффективности мер социальной защиты населения. В этой связи задача «обеспечение сбалансированности Государственного бюджета на всех уровнях с сохранением социальной направленности расходов, совершенствование межбюджетных отношений, направленное на укрепление доходной части местных бюджетов»[1] дополнительно проясняет этот вопрос. В этом контексте особое значение в социально-экономическом развитии регионов, обеспечении опережающего развития отраслей экономики, совершенствовании инфраструктуры, оказании социальной поддержки населения, своевременном обеспечении расходных обязательств местных бюджетов занимают вопросы регулирования местных бюджетов.

На сегодняшний день принята соответствующая законодательная база, направленная на совершенствование и трансформацию действующей системы бюджетного регулирования, в частности Указ Президента Республики Узбекистан от 7 июня 2017 года № УП-5075 «О мерах по расширению полномочий органов государственной власти на местах в формировании местных бюджетов», от 17 августа 2018 года № УП-5515 «О правовом эксперименте по внедрению особого порядка управления в городе Ташкенте», Постановления Президента Республики Узбекистан от 7 июня 2017 года №ПП-3042 «О расширении полномочий органов государственной власти на местах и повышении их ответственности за формирование доходов местных бюджетов» и в других нормативных документах данной сферы.

Во всем мире проводятся широкомасштабные исследования по формированию эффективного механизма регулирования местных бюджетов в целях сбалансированности их доходов и расходов. В этих исследования особое место занимают вопросы формирования доходной базы местных бюджетов, определения местных налогов и сборов, обеспечения целесообразности и адресности бюджетных расходов, распределение социальных трансфертов, регулировании финансовых отношений между бюджетами бюджетной системы [2]. Однако, до сих пор не решены проблемы регулирования местных бюджетов, обеспечения их финансовой устойчивости, формирования эффективной системы распределения доходных и расходных полномочий между звеньями бюджетной системы, различных подходов к децентрализации некоторых социальных и экономических расходов.

Давая оценку действующему состоянию доходной базы местных бюджетов Республики Узбекистан за 2018-2021 годы на основе приведённых количественных и качественных характеристик посредством использования коэффициентного анализа [3] следовало бы отметить, что коэффициент автономии местных бюджетов республики наблюдается лишь в местном бюджете Ташкента и Ташкентской области (в Ташкентской области – порядка 0,5-0.6, в Ташкенте – 0.8). В остальных местных бюджетах коэффициент составляет менее установленного норматива, то есть менее 50, то есть 0.5, что свидетельствует о слабой обеспеченности собственными ресурсами и сильной зависимости от финансовой помощи

вышестоящих бюджетов.

Соотношение собственных и регулирующих доходов местных бюджетов Республики Узбекистан за 2016-2020 годы значительно дифференцируется. Так, например доля собственных доходов местного бюджета Республики Каракалпакстан составляет от 20-27% всех доходов, в 2020 году составила 14.1%, при том факте, что с 2020 года количество отчисляемых налогов сократилось с 6 до 3 и по всем регулирующим налогам было предусмотрено зачисление в полном объёме в доходы местного бюджета, в Андижанской области – 16-25%, с 2018 года наблюдается увеличение собственных доходов свыше 30%, в Бухарской области порядка 55%, в Джизакской области – 25-27%; Наманганская область – 27-35%, Кашкадарьинская область – 35-45%, Самаркандская область – 21-35%, Ташкентская -55%.

Проведённый анализ по действующей практике формирования доходов местных бюджетов свидетельствует о том, что с началом нового этапа повышения активности органов государственной власти на местах значительно изменились механизмы и методы бюджетного регулирования местных бюджетов.

Проведённый анализ действующей практики регулирования местных бюджетов показал, что до 2017 года системе бюджетного регулирования местных бюджетов Республики Узбекистан был свойствен централизованный характер, что проявлялось в сложившейся фискальной структуре между центральным правительством и местными органами власти, а также отсутствием надлежащих стимулов для повышения эффективности и улучшения предоставляемых услуг в системе межбюджетных трансфертов.

Также собственные наблюдения и специальные исследования в этом плане позволили сделать вывод о том что действующая система финансовых механизмов, предполагающая наличие элементов «веерной» модели регулирования между центральными и местными органами власти (закрепление налогов, нормативов отчислений, объёмов трансфертов) носит в основном волюнтаристский характер и создаёт неопределённость для местных органов власти. Несмотря на сокращение количества регулируемых налогов, программ, предусматривающих предоставление широких полномочий местным органам власти, доля трансфертов, спускаемых для обеспечения вертикального выравнивания в некоторых территориях республики всё еще остаётся высокой, что отрицательно сказывается на финансовой самостоятельности местных бюджетов, всё больше увеличивает их зависимость от вышестоящих бюджетов.

**СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. OECD Fiscal Decentralisation Database. https://www.oecd.org/ctp/fe-deralism/fiscal-decenttion-database.htm#A_1 ;
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»;
3. Паздникова Н.П. Коэффициентный анализ устойчивости местных бюджетов. Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки. 2016. № 4. – С.180-193;
4. Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений: Учебное пособие. – Т.: ТФИ. 2002. – С.39;
5. www.mf.uz- официальный сайт Министерства финансов Республики Узбекистан.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000